

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ЕР ҚАЪРИНИ ГЕОЛОГИК ЎРГАНИШ, САНОАТДА,
КОНЧИЛИКДА ВА КОММУНАЛ-МАИШИЙ СЕКТОРДА ИШЛАРНИНГ
БЕХАТАР ОЛИБ БОРИЛИШINI НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ
ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

336 **Ионлаштирувчи нурланиш манбаларини инвентаризациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома-ни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 26 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2690

Ўзбекистон Республикасининг «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 августдаги 231-сонли «Радиоактив моддалар ва радиоактив чиқиндилар, шунингдек ядровий материаллар айланишини давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш тўғрисида»-ги қарорига асосан **буюраман:**

1. Ионлаштирувчи нурланиш манбаларини инвентаризациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бошлиқ

Б. ГУЛЯМОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 10 июнь,
59-сон

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қазрини
геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва
коммунал-маиший секторда ишларнинг
бехатар олиб борилишини назорат қилиш
давлат инспекцияси бошлиғининг 2015 йил
10 июндаги 59-сонли буйруғига
ИЛОВА

Ионлаштирувчи нурланиш манбаларини инвентаризациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги ЙЎРИҚНОМА

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Радиациявий хавф-сизлик тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 августдаги 231-сонли «Радиоактив моддалар ва радиоактив чиқиндилар, шунингдек ядровий материаллар айланишини давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, ионлаштирувчи нурланиш манбаларини инвентаризациядан ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Йўриқномада қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади: **ионлаштирувчи нурланиш манбаи (ИНМ)** — ўзидан ионлаштирувчи нурланиш чиқарувчи ёки чиқаришга қодир бўлган қурилмалар ва (ёки) радиоактив моддалар, ядровий материаллар;

ИНМ айланиши субъекти — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ионлаштирувчи нурланиш манбаларини қазиб олиш, ишлаб чиқариш, ҳосил қилиш, қайта ишлаш, улардан фойдаланиш, уларни сақлаш, уларга хизмат кўрсатиш, уларни ташиш, шу жумладан уларнинг Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтилиши, зарарсизлантирилиши ва кўмиб ташланиши бўйича ИНМ айланиши соҳасидаги фаолиятни амалга оширадиган юридик шахслар;

радиоактив моддалар — таркибида белгиланган радиациявий хавф-сизлик нормалари ва қоидаларининг энг кам қийматидан ортиқ активликдаги радионуклидлар бўлган ҳар қандай агрегат ҳолатидаги ядровий материалларга тегишли бўлмаган моддалар;

радиоактив чиқиндилар — кейинчалик фойдаланиш учун мўлжалланмаган, таркибидаги радионуклидларнинг активлик даражаси қонун ҳужжатларида белгиланган кўрсаткичлардан юқори бўлган ҳар қандай агрегат ҳолатидаги моддалар;

радиоактив моддалар ва радиоактив чиқиндилар айланиши субъектлари — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда радиоактив моддалар ва радиоактив чиқиндиларни қазиб олиш, ишлаб чиқариш, ҳосил қилиш, қайта ишлаш, улардан фойдала-

ниш, уларни сақлаш, уларга хизмат кўрсатиш, уларни ташиш, шу жумладан уларнинг Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтилиши, зарарсизлантирилиши ва кўмиб ташланиши бўйича радиоактив моддалар ва радиоактив чиқиндилар айланиши соҳасидаги фаолиятни амалга оширадиган юридик шахслар.

2. ИНМлар инвентаризациядан қўйидаги мақсадларда ўтказилади:

республика, идоравий ва минтақавий даражада ИНМлар айланишини давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимининг бирламчи маълумотини шакллантириш;

ИНМ айланиши субъектларида ИНМнинг мавжуд миқдорини аниқлаш;

ИНМнинг нобудгарчилиги, улардан рухсат берилмаган фойдаланиш ва уларни талон-тороғ қилишнинг олдини олишни таъминлаш;

ИНМнинг мавжудлиги ва улар сақланадиган жойларнинг ўзгариши тўғрисида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларга ҳолисона ва ишончли ахборот тақдим этиш.

2-боб. ИНМларни инвентаризациядан ўтказиш

3. ИНМ айланиши субъектлари томонидан:

радиоактив моддалар ҳамда улар жойлашган жойлар — йилига бир марта; радиоактив чиқиндилар ва улар сақланадиган ва кўмиладиган пунктлар ҳамда радиоактив моддалар ва радиоактив чиқиндилар айланиши субъектлари кузатув чегарасида жойлашган радионуклидлар билан зарарланган ҳудудлар — беш йилда бир марта инвентаризациядан ўтказилиши керак.

4. Радиоактив моддалар ва радиоактив чиқиндилар айланиши субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгарган, у тугатилган ёки қайта ташкил қилинган, радиоактив моддалар ва радиоактив чиқиндилар билан ишлаш бутунлай тўхтатилган, ўғирлик, радиоактив моддалар ва радиоактив чиқиндилар турган ёки сақланадиган пунктларга (жойларга) рухсат берилмаган таъсир ўтказиш аниқланган тақдирда, фавқулодда ҳолатлар оқибатлари бартараф қилингандан кейин радиоактив моддалар ва радиоактив чиқиндилар навбатдан ташқари инвентаризациядан ўтказилади.

5. Инвентаризациядан ўтказишдан олдин ИНМ айланиши субъекти раҳбари ИНМларни инвентаризациядан ўтказиш учун масъул шахслар тайинланади ва ИНМлар билан муомалада бўлиш учун етарли малакага эга бўлган мутахассислардан ташкил топган ИНМларни инвентаризациядан ўтказиш комиссиясини шакллантиради.

6. ИНМ айланиши субъекти томонидан инвентаризациядан ўтказишда:

радиоактив моддалар ва радиоактив чиқиндиларнинг мавжуд миқдори ҳамда ҳолати аниқланади;

радиоактив моддалар ва радиоактив чиқиндиларнинг мавжуд миқдори бухгалтерия ҳисобидаги маълумотлар билан солиштирилади;

радиоактив моддаларнинг уларнинг паспорт ҳужжатларидаги маълумотларига мувофиқлиги текширилади;

ИНМларни инвентаризациядан ўтказиш бўйича тегишли хужжатлар тўлдирилади ва уларнинг юборилиши таъминланади.

7. ИНМ айланиши субъектлари томонидан:

радиоактив моддалар ҳамда улар жойлашган жойлар инвентаризациядан ўтказилиши натижаси бўйича маълумот — мазкур Йўриқноманинг 1-иловага мувофиқ шаклда;

радиоактив чиқиндилар ҳамда улар сақланадиган ва кўмиладиган пунктлар инвентаризациядан ўтказилиши натижаси бўйича маълумот — мазкур Йўриқноманинг 2-иловасига мувофиқ шаклда;

радиоактив моддалар ва радиоактив чиқиндилар айланиши субъектлари кузатув чегарасида жойлашган радионуклидлар билан зарарланган ҳудудлар инвентаризациядан ўтказилиши натижаси бўйича маълумот — мазкур Йўриқноманинг 3-иловасига мувофиқ шаклда расмийлаштирилади.

8. ИНМ айланиши субъектлари томонидан ўтказилган инвентаризация натижалари бўйича расмийлаштирилган маълумотлар кузатув хати билан «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясига жорий йилнинг 1 февралигача юборилади.

3-боб. Яқуний қоида

9. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Фанлар академияси билан келишилган.

*Табиатни муҳофаза қилиш
давлат қўмитаси раиси*

Б. АБДУСАМАТОВ

2015 йил 1 июнь

Ички ишлар вазири

А. АХМЕДБАЕВ

2015 йил 2 июнь

Соғлиқни сақлаш вазири

А. АЛИМОВ

2015 йил 2 июнь

Фавқулодда вазиятлар вазири

Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ

2015 йил 4 июнь

*Фанлар академияси
Президенти*

Ш. САЛИХОВ

2015 йил 5 июнь

Ионлаштирувчи нурланиш манбаларини
инвентаризациядан ўтказиш йўриқномасига
1-ИЛОВА

25 (681)-сон

**Радиоактив моддалар ҳамда улар жойлашган жойларни инвентаризациядан ўтказиш натижаси бўйича
МАЪЛУМОТ**

ИНМ айланиши субъектининг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли: _____

1-шакл

Т/р	Радиоактив модданинг тури	Радиоактив моддага берилган завод рақами	Радиоактив модданинг паспорт рақами	Радиоактив модданинг ишлаб чиқарилган вақти	Радиоактив модданинг яроқлилик муддати (йил, ой ёки кун)	Радиоактив модданинг бошланғич активлиги (Бк)	Радиоактив модданинг радионуклид таркиби		Радиоактив модданинг Ҳимоя контейнери тури ва завод рақами	Радиоактив модданинг жойлашган жойи
							номи	улуши (физ)		
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

Ташкилот (корхона) раҳбари:

_____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

Шаклни тузган шахс:

_____ (Ф.И.О.) _____ (имзо) _____ (телефон/факс рақами)

Шакл тўлдирилган сана:

_____ йил _____ (кун) _____ (ой)
(йил) (кун) (ой)

Маълумот ҳажми _____ варақ.

— 75 —

336-модда

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2015 й.

Ионлаштирувчи нурланиш манбаларини
инвентаризациядан ўтказиш йўриқномасига
2-ИЛОВА

**Радиоактив чиқиндилар ҳамда улар сақланадиган ва қўмиладиган пунктларни
инвентаризациядан ўтказиш натижаси бўйича
МАЪЛУМОТ**

ИНМ айланиши субъектининг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли: _____

2а-шакл (радиоактив чиқиндилар сақланадиган ва қўмиладиган пунктлар бўйича умумий маълумот)

Т/р	Радиоактив чиқиндилар сақланадиган ва қўмиладиган пунктларнинг номи	Пунктнинг ишга туширилган санаси	Пункт эгаллаб турган ҳудуд (м ²)	Пунктлардаги радиоактив чиқиндилар сақланадиган омборхона (сигим)лар сони			Пунктлардаги радиоактив чиқиндилар сақланадиган омборхона (сигим)ларнинг умумий лойиҳавий ҳажми (м ³)			Омборхона (сигим)ларда сақланадиган радиоактив чиқиндиларнинг умумий миқдори (дона/м ³)		
				қаттиқ ҳолдаги радиоактив чиқиндилар учун	суяқ ҳолдаги радиоактив чиқиндилар учун	газ ҳолдаги радиоактив чиқиндилар учун	қаттиқ ҳолдаги радиоактив чиқиндилар учун	суяқ ҳолдаги радиоактив чиқиндилар учун	газ ҳолдаги радиоактив чиқиндилар учун	қаттиқ ҳолдаги радиоактив чиқиндилар	суяқ ҳолдаги радиоактив чиқиндилар	газ ҳолдаги радиоактив чиқиндилар
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

2б-шакл (радиоактив чиқиндилар сақланадиган ва қўмиладиган пунктлардаги омборхона (сиғим)лар бўйича маълумот)

Т/р	Омборхона (сиғим)нинг тартиб рақами	Омборхона (сиғим)нинг лойиҳавий ҳажми (м³)	Омборхона (сиғим)да сақланадиган радиоактив чиқиндиларнинг тури (қаттиқ, суюқ ёки газ)	Омборхона (сиғим)да сақланадиган радиоактив чиқиндиларнинг миқдори (дона/м³)	Омборхона (сиғим)да сақланадиган радиоактив чиқиндиларнинг солиштира активлиги (Бк/кг)	Омборхона (сиғим) нурланишининг доза қуввати (мкГр/соат)	Омборхона (сиғим)нинг муҳандислик ҳимоя барьерлари характеристикалари					
							девори		поли		шифти	
							материали	қалинлиги (см)	материали	қалинлиги (см)	материали	қалинлиги (см)
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Ташкилот (корхона) раҳбари:

_____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

Шаклни тузган шахс:

_____ (Ф.И.О.) _____ (имзо) _____ (телефон/факс рақами)

Шакл тўлдирилган сана:

_____ йил _____ (кун) _____ (ой)

Маълумот ҳажми _____ varaq.

Ионлаштирувчи нурланиш манбаларини
инвентаризациядан ўтказиш йўриқномасига
3-ИЛОВА

**Радиоактив моддалар ва радиоактив чиқиндилар айланиши субъектлари қузатув чегарасида жойлашган
радионуклидлар билан зарарланган ҳудудларни инвентаризациядан ўтказиш натижаси бўйича
МАЪЛУМОТ**

ИНМ айланиши субъектининг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли: _____

3-шакл

Т/р	Зарарланган ҳудуднинг номи (рақами)	Зарарланган ҳудуд майдони (м ²)	Зарарланган ҳудуднинг юзасидан 1 м баланликда (узоқликда)ги нурланишнинг ўртача доза қуввати (мкЗв/соат)	Зарарланган ҳудуднинг юзасидан 1 м баланликда (узоқликда)ги нурланишнинг максимал доза қуввати (мкЗв/соат)	Зарарланган ер майдонининг радионуклид таркиби								
					радионуклиднинг номи	ҳажмий активлиги (Бк/м ³)				солиштирма активлиги (Бк/кг)			
						ўртача		максимал		ўртача		максимал	
						альфа-активлик	бета-активлик	альфа-активлик	бета-активлик	альфа-активлик	бета-активлик	альфа-активлик	бета-активлик
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13

(3-шаклнинг давоми)

радионуклиднинг номи	Зарарланган сув ҳавзасининг радионуклид таркиби							
	сувоқ фазанинг солиштирма активлиги (Бк/л)				сув тубидаги чўкмаларнинг солиштирма активлиги (Бк/кг)			
	ўртача		максимал		ўртача		максимал	
	альфа-активлик	бета-активлик	альфа-активлик	бета-активлик	альфа-активлик	бета-активлик	альфа-активлик	бета-активлик
14	15	16	17	18	19	20	21	22

Ташкилот (корхона) раҳбари: _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо)

Шаклни тузган шахс: _____ (Ф.И.О.) _____ (имзо) _____ (телефон/факс рақами)

Шакл тўлдирилган сана: _____ йил _____ (йил) _____ (кун) _____ (ой)

Маълумот ҳажми _____ varaқ.